

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСТАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ИНОЯТХОДЖАЕВА ИРОДАХОН ХАМИДУЛЛАЕВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА АВТОНОМ ДИАБЕТИК НЕЙРОПАТИЯ
ГАСТРОЭНТЕРОЛОГИК ШАКЛИНИНГ КЛИНИК-
ЭПИДЕМИОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Иноятходжаева Иродахон Хамидуллаевна

Ўзбекистонда автоном диабетик нейропатия гастроэнтерологик
шаклининг клиник-эпидемиологик жиҳатлари..... 5

Иноятходжаева Иродахон Хамидуллаевна

Клинико-эпидемиологические аспекты гастроэнтерологической
формы автономной диабетической гастропатии в Узбекистане..... 21

Inoyatkhodjaeva Irodakhon Khamidullaевна

Clinical and epidemiological aspects of the gastroenterological form of
autonomous diabetic gastropathy in Uzbekistan..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСТАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ИНОЯТХОДЖАЕВА ИРОДАХОН ХАМИДУЛЛАЕВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА АВТОНОМ ДИАБЕТИК НЕЙРОПАТИЯ
ГАСТРОЭНТЕРОЛОГИК ШАКЛИНИНГ КЛИНИК-
ЭПИДЕМИОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1139 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хайдарова Феруза Алимовна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Шагазатова Барно Хабибуллаевна
тиббиёт фанлари доктори

Хамрабаева Феруза Ибрагимовна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

З.Ю. Халимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда қандли диабет ва у билан боғлиқ касалликлар ва асоратлар сонининг кўпайишини кўрсатувчи кўплаб эмпирик далилларга кўра, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан ушбу касаллик жиддий тиббий, ижтимоий ва иқтисодий муаммо сифатида тан олинган¹. Шу билан бирга, 2-тур диабет дунёдаги барча ўлимлар орасида тўққизинчи ўринни эгаллаб, унинг 1,5 миллионининг бевосита сабаби ҳисобланади. 2 тур қандли диабетда микроангиопатия (нейропатия, нефропатия, ретинопатия) ривожланиш хавфи доимо сақланиб қолади ва шунинг учун бу ҳолат беморларнинг умр кўриш давомийлигининг пасайиши ва сифатининг ёмонлашишига олиб келади. Маълумки, консерватив терапия 2 тур қандли диабетнинг асоратлари сонини камайтиришга ёрдам беради, аммо камдан-кам ҳолларда гликемиянинг меъёрлашишига олиб келади. Натижада, бугунги кунга қадар дунёнинг кўплаб мамлакатларида 2 тур қандли диабет билан боғлиқ диабетик вегетатив гастропатия ва наҳорги глюкозага бардошлиликнинг бузилиши туфайли ҳаёт сифатининг ёмонлашиши ва уларда ўлим ҳолатларини камайтириш жаҳондаги кўпгина мамлакатларда соғлиқни сақлашни ҳал этилмаган муаммоси бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда ҳозирги вақтда диабетик гастропатияда (ДГ) ошқозон-ичак симптомларини ривожланиши ва уни текширишда ўзига хос монанд ёндашувга оид муаммолар долзарб ҳисобланади. Инкретин механизмларни фаоллаштириш ва бета-хужайралар фаолиятини тиклаш натижасида гликемик профилни самарали назорат қилиш учун 2 тур қандли диабет учун комплекс даволашни ўз ичига олган ҳолда ДГни эрта аниқлашнинг бевосита пропорционал таъсирини ўрганиш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Улар шунингдек, бемор ҳаёт сифати, жумладан, рухий, жисмоний ҳолат ва овқатланиш тартибига ҳам тегишли.

Республикамызда соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида кенг кўламли ишлар давом эттирилмоқда. Эндокринологияда, хусусан, қандли диабетнинг турли босқичи билан оғриган беморларни ташхислаш консерватив ҳамда жарроҳлик йўли билан даволаш усулларини такомиллаштиришда ижобий натижаларга эришилмоқда. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...» каби вазифалар белгиланган². Уларни амалга ошириш, шу жумладан, диабетик гастропатия ривожланишининг патогенетик механизми нуқтаи назаридан клиник амалиётда турли босқичлардаги 2 тур

¹ Lin X., Xu Y., Pan X., et al. Global, regional, and national burden and trend of diabetes in 195 countries and territories: an analysis from 1990 to 2025. *Sci Rep.* 2020; 10(1): 14790.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

қандли диабет билан касалланган беморларни ўз вақтида ташхислаш ва консерватив даволашни такомиллаштириш тиббиётда, долзарб соҳалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ- 5124-сон, «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисидаги»ги ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ -215-сон «Бирламчи тиббий – санитария ёрдамни аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда Covid - 19 га чалинган беморларни даволаш ва инфекция тарқалишини олдини олиш борасидаги селектир йиғилишларидаги кўрсатмаларини, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган. Мавзуни режалаштириш жараёнида Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг истиқболли илмий режаси ва илмий ишланмаларининг мавжуд қоидалари инобатга олинган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда асосида қандли диабет ётган ошқозон мотор-эвакуацион бузилиши билан боғлиқ бўлган касалликлар сони тобора ўсиб бормоқда. Қатор муаллифларнинг таъкидлашича, "қандли диабет билан оғриган беморларда ошқозоннинг мотор эвакуация дисфункцияси 75% ҳолларда (18% ҳолларда унинг юқори қисмида) ошқозон-ичак тизими касалликлари белгиларининг ривожланишига сабаб бўлади, бу ўз навбатида гликемик профилни самарали назорат қилишда мураккабликлар туғдиради ва беморларнинг ҳаёт сифатига салбий таъсир кўрсатади [Singla R., Nomko S., Schey R. 2015]. Сцинтиграфия текширишларига кўра ошқозон мотор – эвакуацион дисфункцияси таъсирида патологик ҳалқа юзага келади. Хусусан, ошқозон бўшалишининг 2 соатга секинлашиши 60% кўпроқ ёки жараённи 4 соатга чўзилиши 10% беморларда қайд этилади. Ундан ташқари уларда гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги ривожланиб, гипергликемия ҳолатини ҳамда ошқозон дисфункциясини чуқурлаштиради [Pasricha P.J., Parkman H.P, 2015; Abell T.L., Camilleri M., Donohoe K,2008].

Маълумки, бугунги кунда қандли диабет билан оғриган беморларда ошқозоннинг мотор-эвакуация функциясининг ўзгариши тўғрисидаги эпидимиологик маълумотлар 20% дан 65% гача бўлган оралиқда кузатилади. Бу беморларнинг турли гуруҳларини текширишни ўзига хослиги ва бир-биридан фарқ қилувчи ташхислаш усуллари билан боғлиқ [Ду Й.Т., 2018; Олауссон Э.А. ва ҳаммуаллифлари, 2014]. Кўп сонли кузатувларга кўра ошқозон-ичак белгилари ва ошқозон бўшалишини тутилиш даражаси орасидаги ўзаро боғлиқлик бирмунча фарқ қилади. Бунда постпрондиал тўлишиш ва кўнгил

айниши диабетик гастропатия мавжудлиги билан сезиларли даражада корреляцияда эканлиги аниқланган [Brock C. ва ҳаммуаллифлар 2013; Frokjer., 2012 й]. Оғир гастропатия мавжуд беморларда ошқозонни қаватма-қават ўтказилган биопсиясида гетероген аномалиялар аниқланган бўлиб, улар орасида энг характерлиси Кахал интерстициал хужайраларини (ритм ўтказувчи хужайралар) камайиб кетиши ҳисобланади. Бу аниқланган ўзгаришлар ошқозон бўшалиши тутилиб қолиш даражаси ва нейронал NO синтетазалар йўқолиши ҳамда силлиқ мушак хужайралари ва нервлар атрофидаги базал қават калинлашиши билан корреляциядалиги аниқланган [Harberson J., Thomas R.M., Harbison S.P., Parkman H.P., 2010]. Шунга қарамасдан, диабетик автоном нейропатияни бир шакли сифатида ошқозон-мотор эвакуацион фаолиятининг бузилиши ушбу касалликнинг кам ўрганилган, ташхис қўйиш мураккаб бўлган асорати ҳисобланади. Ҳозирги вақтда қандли диабетни эрта даврларида диабетик гастропарез ривожланишининг ишончли предикторлари аниқланмаган. Яна шуни таъкидлаш лозимки, диабетик гастропатия муолажаларини ушбу гуруҳ беморларни гликемик профилига таъсирга бағишланган назоратли кузатувлар жуда кам ўтказилган ва унга бағишланган адабиётларда жуда чегараланган.

Ўтказилган адабиётлар таҳлили қандли диабетда кузатиладиган ошқозон мотор-эвакуацион фаолиятининг бузилиши кўп омилли мураккаб ва охиригача ўрганилмаган патология ҳисобланишини тасдиқлайди. Ушбу муаммони барча сабабларини синчковлик билан чуқур ўрганиш, унинг патогенетик асосланган профилактикаси ва даволаш тамойилларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ўз навбатида қандли диабетга чалинган беморларни нафақат гликемик ҳолатини назорат қилишни балки уларни ҳаёт сифатини ҳам яхшилайтиди.

Шу сабабли қандли диабетда кузатиладиган автоном гастропатия асоратини ривожланиш предикторларини аниқлаш ҳамда асосий касаллик муолажалари негизида уни дорилар ёрдамида даволашни такомиллаштириш эндокринологияда ҳал қилинмаган муаммолардан бири ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг у бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти академик Ё.Х. Турақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий иш режаси ва грант текширишлари асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда автоном диабетик нейропатия гастроэнтерологик шаклининг клиник-эпидемиологик тарқалганлик даражасини таҳлил қилиш ва даволашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

2-тур қандли диабет мавжуд беморларда гастроинтестинал симптомлар тарқалиши кўрсаткичларини ўрганиш;

2-тур қандли диабет мавжуд беморларда диабетик гастропатия ривожланишининг оғирлик даражаси предикторларини аниқлаш;

диабетик гастропатияли беморларнинг руҳий-эмоционал ҳолати ва ҳаёт сифатини баҳолаш;

диабетик гастропатия мавжуд беморларда прокинетик дориларнинг таъсир самарадорлигини ўрганиш;

2-тур қандли диабет ва гастропатияли беморларни олиб бориш алгоритмини яратиш.

Тадқиқот объекти сифатида 2020- 2021-йилларда академик Ё.Х. Турақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида 2 тур қандли диабетда автоном гастропатия билан кузатувда бўлган 405 нафар беморлар олинган.

Тадқиқот предмети сифатида диабетик гастропатияни турли хил симптомларини учраш даражасини ўрганиш натижалари ва уларда ўтказилган даво муолажаларини гликемик профил ҳамда беморларни руҳий ҳолати ва ҳаёт сифатини баҳолаш натижалари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда қуйидаги текшириш усулларидан: умумий клиник (PAGI-SYM, HADS, SF-36v1 сўровномалари ёрдамида маълумотлар тўплаш), лаборатор (қоннинг умумий ва биокимёвий таҳлили, коагулограмма), тана вазни индекси ва статистик усуллар фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

2-тур қандли диабет билан оғриган беморларнинг 39%да ошқозон-ичак зарарланиш белгиларининг учраши ва С-реактив оқсил даражаси > 4.55 мг/л диабетик гастропатиянинг аниқ клиник кўринишига мос келиши аниқланган; семизлик фонида диабетик гастропатия билан оғриган беморларда депрессия ва ташвиш даражаси юқорилиги, шунингдек, аёлларда ҳаёт сифати кўрсаткичларини эркакларга нисбатан паст бўлганлиги аниқланган.

аёл жинси ($p=0.001$), ТВИ ($p=0.001$), оғир гастропатия ($p=0.065$), PAGI-SYM сўровномаси 8 саҳифа белгилари, жисмоний саломатликнинг нормаллаштирилган умумий баллари ($R^2=0.35$) учун прогностикдир.

итоприд терапияси углевод алмашинуви кўрсаткичларига, диабетик гастропатиянинг оғирлигига, психологик ҳолатга, ҳаёт сифатига ижобий таъсир кўрсатиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қандли диабетнинг 2- турида PAGI-SYM сўровномаси ёрдамида муқобил ёндашиб, гастроинтерстициал белгиларни аниқлаш диабетик гастропатияни эрта ташхислаш имконини бериши исботланган;

қандли диабетнинг 2- турида HADS сўровномасидан фойдаланиб семизликка боғлиқ ҳолда депрессия ва ваҳимадаражасини аниқлаш мумкинлиги кўрсатилган;

қандли диабетнинг 2- турида диабетик гастропатияни семизликка боғлиқ ҳолда SF-36v1 сўровномасидан фойдаланиб, ҳаёт сифатини ўрганиш натижасида унинг самарадорлиги асосланган;

қандли диабетнинг 2- тури диабетик гастропатия билан кечганда итопридни стандарт муолажалар билан бирга қўллаганда усиз даволанган беморларга нисбатан углеводлар метаболизми ва ремиссияга эришишда ижобий ўзгаришлар аниқланган;

қандли диабетнинг 2- тури диабетик гастропатия билан кечган беморларни диабетни стандарт давоси негизида итоприд билан даволаганда уларни руҳий ҳолати ва ҳаёт сифатини жисмоний ҳамда руҳий таркибий қисмларида ижобий ўзгаришлар билан кечиши аниқланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги мақсад даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, ишда бири иккинчисини тўлдирадиган сўровномалардан фойдаланилганлиги, олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қандли диабетни 2-турида диабетик гастропатияни оғирлик даражаси предиктори бўлиб, ROC эгри чизиғи ёрдамида аниқланган С-реактив оксилни сўнги нуқта сифатида ўрганилганлиги ҳамда ушбу касаллик семизлик билан кечганда депрессия ва ваҳима даражаси билан корреляцион боғлиқлик ҳамда улардаги гастронейроэнтеростигма белгилар билан ҳаёт сифатини жисмоний-руҳий таркибий қисмлари йиғиндиси билан боғлиқлик аниқланганлиги, шунингдек стандарт даво негизида иттириқ қўллаш ҳаёт сифатига ва беморларни руҳий ҳолатига ижобий таъсир қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти PADI-SYM сўровномаси ёрдамида гастронейроэнтеростигма белгилари, HADS сўровномаси ёрдамида ваҳима ва депрессия даражаси, SF-36v1 дан фойдаланиб ҳаёт сифати аниқланган шунингдек, қандли диабетни 2-тури диабетик гастропатия билан кечган беморларда ўз вақтида патогенетик асосланган прокинетик терапияни қўллаш гликемик профилни назорат қилиш натижаларига ижобий таъсири кўрсатилган, беморни руҳий ҳолати, ҳаёт сифатини, жисмоний- руҳий таркибий қисмлари яхшиланган ҳамда буларнинг барчаси ушбу гуруҳ беморларни даволашда турли хил мутахассислар иштироки зарурлигини ва муолажа жараёнида эндокринолог билан бир қаторда гастроэнтеролог, психолог, психиатр қатнашиши лозимлиги асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Ўзбекистонда автоном диабетик нейропатия гастроэнтерологик шаклининг клиник-эпидемиологик жиҳатлари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари Академик Ё.Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиалининг 2023 йил 17 майдаги №110-сонли буйруғи ва Самарқанд филиалининг 2023 йил 14 июндаги №26у сонли буйруғи орқали амалиётга татбиқ этилган.

қандли диабет 2-тур мажуд беморларда PADI-SYM сўровномасидан фойдаланиб, ошқозон-ичак тизимидаги ўзгаришларни эрта аниқлаш орқали 1 нафар бемор ҳисобига маблағнинг ўртача 180.000 сўм иқтисод қилиш имконини берган.

қандли диабет 2-тур мажуд беморларда қонда С-реактив оксил кўрсаткичларини аниқлаш орқали диабетик гастропатияни ташхислаш бир нафар бемор ҳисобига сарфланган маблағдан 1 млн 250 минг сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

семизлик фонида диабетик гастропатия билан оғирган беморларда депрессия ва ташвиш каби асоратларни эрта ташхислашда HADS сўровномасидан фойдаланиш муҳим ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга.

Диабетик нейропатия ривожланган беморларда уларнинг жинсига боғлиқ ҳолда ҳаёт сифати даражасини ўрганиш ва даво муолажаларини оптималлаштириш сарф харажати учун кетадиган маблағ ва вақт тежаш имконини беради. Бу маблағ бир бемор учун йил давомида ўрта ҳисобда 900.000 минг сўмни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида автоном диабетик нейропатия гастроэнтерологик шаклини даволашда учун ишлаб чиқилган алгоритм асосида уларда ўлим сабаблари ва учраш сони кескин камайтиради ҳамда ортиқча текширишлар учун кетадиган маблағ ва вақт тежаш имконини беради. Бу маблағ бир бемор учун ўрта ҳисобда 1 млн. 560 минг сўмни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида автоном диабетик нейропатия гастроэнтерологик шаклини даволашда итотприд препаратини қўллаш уларда касаллик авж олиб боришини камайтиради ҳамда ортиқча текширишлар, дорилар учун кетадиган маблағ ва вақт тежаш имконини беради. Бу маблағ бир бемор учун ўрта ҳисобда 1 млн. 150 минг сўмни ташкил этади.

Иноятходжаева Иродахон Хамидуллаевнанинг «Ўзбекистонда автоном диабетик нейропатия гастроэнтерологик шаклининг клиник-эпидемиологик жиҳатлари» мавзусидаги диссертация иши илмий янгиликларини бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 21 октябрдаги 8н-з/562-сон хулосаси.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва иккита республика конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва ушбу ишга зарурияти асослаб берилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предметлари тавсифланган, илмий янгилиги ҳамда амалий аҳамияти ўз ифодасини топган, амалиётга жорий қилинганлиги, апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қандли диабетнинг иккинчи турида диабетик гастропатияни ўрганишнинг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи боби 4 параграфдан иборат бўлиб, уларда ўрганилаётган патологик жараён тўғрисидаги сўнги йилларда чоп этилган адабиётлардаги клиник-эпидемиологик маълумотлар келтирилган. Унда диабетик гастропатия ривожланишининг патофизиологик механизмлари, клиник намоён бўлиши, таснифи, ушбу

асоратнинг замонавий асбобий ташхислаш усуллари ва консерватив даволаш имкониятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, ўрганилиши лозим бўлган долзарб муаммолар ечимини излаш кераклиги кўрсатилган.

Иккинчи боб «**Тадқиқотнинг клиник хусусиятлари ва фойдаланилган текшириш усуллари**» деб номланган. Унда материаллар ва текшириш усуллари баён қилинган. Илмий иш қандли диабетнинг 2-тури аниқланган 18-75 ёшдаги 405 нафар беморларда ўтказилган.

Куйидагилар беморларни тадқиқотга олмаслик учун мезон бўлиб ҳисобланди:

- Қандли диабетнинг 1-типи – 97 бемор;
- Тиреотроп гормон даражасини $< 0,4$ ва $> 4,5$ Мк/МЕ/мл – 23 бемор;
- PAGI-SYM сўровномаси шкаласида гастроинтестинал шикоятлар йиғиндисини $\leq 7 - 507$ бемор;
- Ошқозонни мотор фаолиятига таъсир қиладиган дорилар қабул қиладиган беморлар;
- Анамнезида ошқозон ёки 12 бармоқ ичак яра касллиги, ёки пилорик стеноз бўлган беморлар;
- Ҳоледохолизитаз мавжуд беморлар;
- Ингичка ёки йўғон ичак обструкцияси аниқланган беморлар.

Тизимли хатоликларни бартараф этиш мақсадида кузатувдагилар жинсига мос равишда иккита гуруҳга ажратилдилар ва биринчисини 199 нафар эркаклар, иккинчисини 206 нафар аёллар ташкил қилдилар.

Эркак ва аёллар нисбати: 1,03 бўлиб асосий беморлар 60 дан 75 ёшгача бўлган ораликда эдилар. Гастроинтерстициал белгиларни намоён бўлиш даражаси PAGI-SYM саволнома шкаласидан фойдаланиб амалга оширилди. Беморларни руҳий ҳолати ваҳима ва депрессияни баҳолаш клиник шкаласи ёрдамида бажарилди (Hospital Anxiety and Depression Scale, HADS, Zigmond A.S., Snaith R.P.) 36 Health Survey Version 1,0 (SF-36) қисқа сўровнома шаклидан ёки RAND-36 Health Survey Version I эквивалентидан гастропатияли беморларни сўнги 4 ойдаги умумий жисмоний ва руҳий саломатликларига қарашлари баҳоланди.

Диссертациянинг 3 – «**Диабетик гастропатияни оғир даражалари предикторларини таҳлили**»га бағишланган бобда кузатув бошида жинсга боғлиқ ҳолда гастропатияда гастроинтестинал белгиларни тарқалганлик даражаси солиштирма ўрганилган, шунингдек, унинг оғирлик даражасини C-реактив оқсилга боғлиқ сўнги нуқталар кўп омилли предикторлари таҳлил қилинган. Ундан ташқари қандли диабетни 2-тури кечиш давомийлиги ва диабетик гастропатия орасидаги кореляцион боғлиқлик баҳоланган.

Шуни таъкидлаш лозимки, 1 ва 2 даражали семизлик аёлларда эркакларга нисбатан ишончли кўп учради (81 беморларда – 39,3% ҳолатларда ва 32 беморларда 15,5 % ҳолатларда ҳамда 65 беморларда 32,6% ҳолатларда ва 8 беморларда 4 % ҳолатларда мос равишда).

Кузатувдагиларда PAGI-SYM шкаласи бўйича саволнома ўтказилганда қатор кўп учрайдиган хос шикоятлар, жумладан 93-99% ҳолатларда қорин дам бўлиши, ошқозон соҳасида оғирлик ҳисси, таом қабул қилингандан кейин тўлиб кетганлик ҳисси қориннинг юқори (киндикдан тепада) қисмида

дискомфорт, тик турган ҳолатда жиғилдон қайнаши, одатий истеъмол қилинадиган миқдордаги таомни қабул қила олмаслик, иштаҳани йўқолиши, оғизда аччиқ ёки шўр таъм сезгиси, кундузи кўкракда ва қоринни пастки қисмида (киндикдан пастда) дискомфорт аниқланади.

Безовта қилиши бўйича қоринни юқори (киндикдан юқорида) қисмида оғрик, кўнгил айнаши, қоринни визуал кўрикда катталашганлиги 80-87% ҳолатларда кузатилди. Қолган бошқа камроқ учрайдиган диабетик гастропатияни белгилари (23-67%) қуйидагилардан иборат бўлди: қоринни пастки қисмида (киндикдан пастда) оғрик, тик турган ҳолатда таомни регургитация (ортга қайтиш), тунда кўкракда дискамфорт ҳисси, ётган ҳолатда зарда қайнаши, истеъмол қилинадиган таом билан тўйиниш ҳисси, қайт қилишга чақириқлар (овқат қолдиқларисиз), ётган ҳолатда таом регургитацияси, қайт қилиш.

405 нафар кузатувдаги беморлардан 165 (40,7%) нафарида енгил даражадаги диабетик гастропатия аниқланди. 199 нафар эркаклардан 62 (31,1%) нафарида ва 206 аёллар орасида 69 (33,5%) нафарида учради.

Ошқозонни ўрта оғирлик даражадаги мотор-эвакуацион функциясини бузилиши 50 (25,1%) эркакларда ва 59 (28,6%) аёлларда қайд этилди. 405 тадқиқотга жалб этилганлардан фақат 131 (32,3%) оғир даражадаги диабетик гастропатия аниқланди ва уларни 87 (43,7%) эркаклар, 78 (38,7%) аёллар эдилар.

Олинган маълумотлар кореляцион усул ёрдамида таҳлил қилинганда гастропатияни оғирлик даражаси билан (PAGI-SYM сўровномаси ўртача кўрсаткичлари асосида) қайд қилишга чақириқлар ва қайд қилиш орасида мос равишда тўғри корелляцияцион боғлиқлик ($r=0,467$, $p<0,001$) ва ($r=0,504$, $p<0,601$) аниқланди. Шунингдек, диабетик гастропатияни оғир даражасини С-реактив оқсилни ўртача кўрсаткичлари билан ($r=0,316$, $p<0,001$), сўнги кўрсаткични юрак қон-томир касалликлари оғир даражаси ривожланиш хавфи билан (>3 мг/л) ($r=0,325$, $p<0,001$), кўнгил айнаши ($r=0,313$, $p<0,001$), одатий истеъмол қилинадиган таомни ҳазм қила олмаслик ($r=0,209$, $p<0,001$), визуал қараганда қорин катталашини ($r=0,258$, $p<0,001$), қориннинг юқори қисмида оғрик ($r=0,311$, $p<0,001$), қориннинг пастки қисмида оғрик ($r=0,289$, $p<0,001$), қориннинг пастки қисмида дискамфорт ($r=0,254$, $p<0,001$), ётган ҳолатда жиғилдон қайнаши ($r=0,256$, $p<0,001$), тунда кўкрак соҳасида дискомфорт ($r=0,318$, $p<0,001$), кун давомида гастроэзофагеал регургитация ($r=0,290$, $p<0,001$), тунги гастроэзофагеал регургитация ($r=0,332$, $p<0,001$), оғизда аччиқ ёки нордон таъм ($r=0,296$, $p<0,001$) билан ўрта даражадаги кореляцион боғлиқлик қайд этилди.

Гастропатия аниқланган беморларда С-реактив оқсил дадажаси бўйича ROC эгри чизиғи ўтказилганда унинг майдони 0,62 тенг бўлиб, сўнги белги 4,55 мг/л (сезувчанлик: 0,6; спецификлик: 0,63).

С-реактив оқсилни сўнги белгиси 4,55 мг/л инобатга олиб барча беморлар 2 гуруҳга ажратилдилар. С-реактив оқсил $<4,55$ мг/л кам бўлган 165 беморлар ва кўрсаткич ундан юқори бўлган 240 та кузатувдагилар. С-реактив оқсил $>4,25$ мг/л бўлганлар орасида диабетик гастропатияни ўртача ва яққол намоён бўлган даражаси, кўрсаткич $<4,55$ мг/л бўлганларга нисбатан кўпроқ аниқланди (мос равишда 62,5 ва 54,5 %: $p=0,005$).

Диабетик гастропатияни энгил даражаси С-реактив оксил 4,55 мг/л дан кам бўлганларда С-реактив оксил 4,55 мг/лдан кўп бўлганларга нисбатан статистик ишончли кўпроқ аниқланди.

Юқоридагилар билан бир қаторда қандли диабетни 2 турини давомийлиги билан ошқозон вегетатив нейропатияси орасидаги кореляцион боғлиқлик ўрганилганда касалликни 5-10-15 йиллик давомийлиги ҳамда ўрта ва оғир даражадаги гастропатиялар ўртасида боғлиқлик аниқланмади ($p=0,833$, $p=0,623$, $p=0,553$ мос равишда). Диабетик гастропатияни ассосияланган белгилари билан қандли диабетни 2 тури давомийлиги орасида кореляцион боғлиқлик йўқлиги гастропатияни касалликни барча шаклларида (компенсация, суб ёки декомпенсация) юзага келиши мумкинлигини тасдиқлайди. Бу ўз навбатида қандли диабетни 2 турини эрта даврларида эндокринологлар диққатини диабетик гастропатияни аниқлашга қаратиш кераклигини кўрсатади.

Олинган маълумотлар асосида ўтказилган регрессион таҳлил диабетнинг иккинчи типиди қайд қилишга чақириқ белгисида – ОШ 11,37 (4,36-29,63; 95% ДИ) одатий овқат луқмасини ҳазм қила олмаслик - ОШ 6,69 (1,63-27,4); 95% ДИ), оғизда аччиқ ёки нордон таъм – ОШ 5,95 (2,02-17,52; 95%) лар ошқозон-ичак тизими бирламчи касалликлари бўлмаганда (1-жадвал). Уларни мотор-эвакуатор фаолиятини оғир бузилганлигини предикторлари бўлиши мумкин.

1-жадвал

Диабетик гастропатияда ошқозон мотор-эвакуацион даражасини предикторлари

Кўрсаткичлар	Бир вариантли ОШ (95% ДИ)	P	Кўп вариантли ОШ (95% ДИ)	P
НвА1С ўртача кўрсаткичи	0,95 (0,84-1,09)	0,495	-	
С-реактив оксилнинг ўртача кўрсаткичлари	1,00 (0,92-1,08)	0,984	-	
С-реактив оксилнинг юрак-қон томир касалликлари юзага келиш ҳавфи билан боғлиқлиги	1,24 (0,85-1,81)	0,264	-	
Кўнгил айнаши	1,32 (0,6-2,91)	0,489	-	
Қайд қилишга чақириқлар	9,94 (3,16-31,22)	<0,001	11,37 (4,36-29,63)	<0,001
Қайд қилиш	1,64 (0,26-10,43)	0,602	-	
Одатий таом луқмасини ҳазм қила олмаслик	9,43 (1,95-45,6)	0,005	6,69 (1,63-27,4)	0,008
Қараганда қоринни катталашганлиги	1,55 (0,67-3,6)	0,309	-	
Қориннинг юқори қисмида оғриқ (киндикдан юқорида)	1,85 (0,68-4,99)	0,225	-	
Қориннинг пастки қисмида оғриқ (киндикдан пастда)	1,12 (0,45-2,72)	0,810	-	
Қориннинг юқори қисмида дискомфорт (киндикдан юқорида)	1,01 (0,58-1,62)	0,028	0,54 (0,22-1,3)	0,072
Ётган ҳолатда жиғилдон қайнаши	1,49 (0,7-3,15)	0,3	-	
Ётган ҳолатда кўкракда оғриқ ҳисси (тунда)	2,11 (1,00-4,46)	0,049	2,63 (1,4-4,9)	0,002

Кун давомида гастроэзофагеал Регургитация	1,74 (0,82-3,72)	0,150	-	
Гастроэзофагеал регургитация (тунда)	1,75 (0,57-5,38)	0,331	-	
Оғизда аччиқ ёки нордон таъм	3,97 (1,15-13,62)	0,029	5,95 (2,02-17,52)	0,001

Изоҳ – қисқартмалар ушбу ва кейинги тузилган жадваллар учун: RR (инглизча - relative risk) - кўрсаткич >1 бўлганда, ушбу гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан касалликни ривожланиш эҳтимоли юқорилигини англатувчи нисбий хавф; OR (инглизча - odds ratio) - кўрсаткич >1 бўлганда, ушбу гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан касалликни ривожланиш эҳтимоли юқорилигини англатувчи нисбий имконият; CI (инглизча - confidence interval) 95% - ишончлилиги 95%, бунда ҳар иккала кўрсаткич 1 дан юқори ёки паст бўлганда, кўрсаткичлар ишончлилиги $p < 0,05$ га тенг бўлади; χ^2 – хи квадрат - гуруҳларда сифат белгилари назарий ва амалий учрашини фарқлаш учун танланган усул, унинг кўрсаткичи қанча юқори бўлса, сифат белгиларини амалда учраш даражаси шунчалик юқори бўлади.

Диссертациянинг 4 боби «**Диабетик гастропатия мавжуд беморларнинг руҳий ҳолати ва ҳаёт сифатини ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган.

Ушбу бобда диабетик гастропатия семизлик билан кечган беморларда депрессия ва ваҳимани учраш даражаси ҳамда ҳаёт сифати ҳолати баҳоланган. Унда кузатувдаги диабетик гастропатия аниқланган 405 беморлар семизлик мавжудлигидан келиб чиқиб 2 гуруҳга ажратилдилар.

Уларни биринчи гуруҳини тана вазни индекси 30 кг/м^2 дан юқори бўлган 198 ва иккинчи гуруҳини тана вазни 30 кг/м^2 дан кам, яъни семизлик бўлмаган беморлар ташкил қилдилар.

HADS сўровномасидан фойдаланиб олинган натижалар асосида аниқланишича диабетик гастропатия семизлик мавжуд ва у аниқланмаган беморларда ваҳима ($p=0,540$) ва депрессия ($p=0,460$) биридан ишончли фарқ қилади. Шунга қарамасдан депрессияни баҳолаш шкаласида диабетик гастропатия мавжуд беморлар орасида субклиник намоён бўлган ваҳима (≥ 8 балл) 197 (48,6%) беморда учради. Уларни 114 (57,5%) семизлик мавжуд бўлса, 83 (40%) тана вазни индекси меъёрида эди ($p=0,05$). Клиник яққол намоён бўлган ваҳима (≥ 11 балл) 154 (38,0) беморда, уларни 91 (46%) тасида гастропатия семизлик билан кечган, 63 (30,4%) кузатувда бўлганларда семизлик аниқланмади.

Субклиник яққол даражада намоён бўлган депрессия (≥ 8 балл) 158 (39%) беморларда аниқланиб, уларнинг 95 (48,0%) семизлик ва 63 (30,4%) диабетик гастропатия усиз кечганлиги. Клиник яққол депрессия (≥ 11 балл) 109 беморда қайд этилди ва уларни 77 (38,8%) қандли диабетли гастропатия семизлик билан кечган 32 (15,4%) беморда тана вазни индекси меъёрида эди.

Ваҳима (≥ 8 ≥ 11) ва депрессия (≥ 8 ≥ 11) ҳолатини статистик аҳамиятли кўп учраши диабетик гастропатия семизлик билан кечган беморларда у бўлмаганларга нисбатан кўп қайд этилди (мос равишда $p=0,048$, $p=0,027$ ва $p=0,019$, $p=0,008$). SF-36 сўровномаси натижаларига асосан диабетик гастропатия аниқланган ҳар иккала гуруҳда ҳаёт сифати унинг жисмоний таркибий қисмлари (жисмоний фаолият, ролли фаолият, оғриқ даражаси, соғлиқни умумий ҳолати) ҳисобига камайганлиги қайд этилди. Шунинг таъкидлаш лозимки, оғриқ даражасидан ташқари, жисмоний таркибий қисмни барча кўрсаткичлари семизлик мавжуд бўлган диабетик гастропатияли

беморларда тана вазни индекси меъёрида бўлганларга нисбатан статистик сезиларли фарқ қилди (мос равишда $p=0,07$, $p=0,015$ ва $p=0,046$).

Юқоридагилардан ташқари ҳар иккала гуруҳ беморларда ҳаёт сифатини руҳий таркибий қисмида ҳам салбий ўзгаришлар аниқланди ва бу кўрсаткич диабетик гастропатия семизлик билан кечганларда ишончли паст бўлди ($p=0,027$). Ҳаёт сифатини руҳий таркибий қисми бўйича ҳар иккала гуруҳда яъни семизлик бор ёки йўқлигидан қатъий назар бир-биридан фарқ қилмади ва меъёрий кўрсаткичларига нисбатан ишончли оғиш аниқланмади.

Кузатувдагилар жинслар ўртасида ўрганилганда клиник аҳамиятга эга бўлаган фарқ қайд этилди. Унга мувофиқ физик ва руҳий таркибий қисм кўрсаткичлари аёлларда эркакларга нисбатан 4 балл пастлиги аниқланди. Булар жисмоний таркибий қисми умумий кўрсаткичи ($p=0,019$) ҳамда жисмоний функционал ҳолат шкала ости кўрсаткичи ($p=0,029$), оғрик интенсивлиги ($p=0,015$), ҳаёт фаоллиги ($p=0,024$).

Диабетик гастропатия белгилари ва жисмоний саломатлик таркибий қисмлари орасидаги корреляцион боғлиқлик ҳаёт сифатини жами жисмоний саломатлиги билан кўнгил айнаши ($r=-0,48$), қайд қилиш чақириқлари ($r=-0,52$), қайд қилиш ($r=-0,49$), одатий овқат лўқмасини ҳал қила олмаслик ($r=-0,45$), визуал қоринни катталашганлиги ($r=-0,36$), қориннинг юқори қисмида (киндикдан юқорида) оғрик ($r=-0,34$), қориннинг пастки қисмида (киндикдан пастда) оғрик ($r=-0,37$), қоринни киндикдан юқори қисмида дискомфорт ($r=-0,32$), ётган ҳолатда жиғилдон қайнаши ($r=-0,38$), кечалари ётган ҳолатда кўкрак қафасида дискомфорт ($r=-0,56$), кун давомида гастроэзофагеал регургитация ($r=-0,45$), тунда гастроэзофагеал регургитация ($r=-0,48$), оғизда аччиқ ёки нордон таъм ($r=-0,59$) каби белгилар билан манфий корреляция қайд этилди. Бошқа гастроинтестинал белгиларни саломатликни физиологик таркибий қисми билан кучсиз корреляцион боғлиқлик аниқланди ($r<-0,25$).

Қандли диабетни 2 тури мавжуд беморларда гастропатияни SF-36 сўровномаси ёрдамида руҳий саломатликни баҳолашдаги кўрсаткичлари билан кўнгил айнаши ($r=-0,26$), қайд қилишга чақириқлар ($r=-0,38$), одатий таом лўқмасини ҳазм қила олмаслик ($r=-0,45$), ётган ҳолатда тунда кўкрак қафасида дискомфорт ($r=-0,28$), қориннинг киндикдан юқори қисмида оғрик ($r=-0,49$), оғизда аччиқ ёки нордон таъм ($r=-0,52$) каби шикоятлар билан тескари корреляцион боғлиқлик қайд этилди. Диабетик гастропатияни бошқа симптомлари саломатликни руҳий таркибий қисми SF-36 билан жуда кучсиз корреляцион боғлиқликка эга бўлди ($r<-0,25$).

Бирламчи якуний кўп чизиқли модел регрессион таҳлилига кўра аёл жинси ($p=0,001$), тана вазни индекси ($p=0,001$), гастропатияни оғир шакли ($p=0,065$), 8 PADI-SYM белгилар жисмоний саломатликни меъёрлаштирилган баллар йиғиндиси учун прогностик аҳамиятга эга ($R^2=0,35$). Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жисмоний саломатликни жамлаб ўртача баҳолаган кўрсаткич аёл жинсига мансуб беморларда эркакларга нисбатан 2,8 балл юқорилиги аниқланди ($p=0,001$). Шунингдек, ушбу кўрсаткич тана вазни индекси <30 кг/м² бўлган беморларда у >30 кг/м² бўлганларга нисбатан 1,7 балл ($p=0,001$) ва диабетик гастропатияни енгил даражасида оғирларига нисбатан 12,3 балл юқорилиги

($p=0,013$) қайд этилган. Лекин касаллик белгиларининг давомийлиги жисмоний саломатликни якуний баҳосига сезиларли таъсир кўрсатмади. Ўзида кўнгил айниши, қайд қилиш ва унга чақирик, одатий овқат лужмасини ҳазм қила олмаслик, иштаҳанинг йўқолиши, кун давомида кўкрак қафасида дискомфорт, визуал аниқланганда қориннинг катталашиши, қориннинг киндикдан тепа ва пастки қисмида оғрик, тунда ётган ҳолатда кўкрак қафасида дискомфорт 8 PAGESYM симптомлари сўнги моделда сақланган бўлиб, улар ҳам физик саломатликни умумий баҳолашни олдиндан башоратлашда ёрдам беради. Ушбу барча симптомлар кутилганидек жисмоний саломатликни якуний баҳолашда, тескари таъсир кўрсатиши аниқланди. Мисол учун қайд қилишга чақирикни оғир даражадаги белгиларини битта бирликка юқори бўлиши жисмоний саломатликни ўртача якуний баҳосини 1,7 баллга камайтиради ($p=0,005$).

Кўп омилли регрессион таҳлил SF-36 руҳий ҳолатни баҳолаш якуний модели 0,15 га тенглигини кўрсатди. Бу модел фақат ҳаёт сифатини 15% вариабилликда руҳий ҳолатни кўрсатишини биладиради ва буни моделдаги регрессия омиллари билан тушунтириш мумкин.

Шуниси кизиқарлики, руҳий самарадорликни жамлаб баҳолашда жинс қарама қарши хусусиятга эга бўлди. Аёл жинсига мансуб беморларда руҳий саломатликни жамлаб ўртача баҳолаш эркакларга нисбатан 2,1 балл ($p=0,047$) юқори бўлди ва диабетик гастропатия даражаси руҳий саломатликни якуний кўрсаткичига сезиларли таъсир кўрсатмади. Аксинча симптомларнинг давомийлиги руҳий саломатликка тескари таъсир қилиши қайд этилди ($p=0,045$).

Ундан ташқари визуал аниқланган қоринни катталашиши, уни киндикдан юқори ва пастки қисмида оғрик, ётган ҳолатда қоринда дискомфорт, тунда ётган ҳолатда кўкрак қафасида дискомфорт каби белгилар ҳам руҳий саломатликни якуний баҳоланишига сезиларли таъсир кўрсатмадилар. Лекин кўнгил айниши ($p=0,002$), қайд қилиш ($p=0,001$), қайд қилишга чақирик ($p=0,038$), одатий таом лужмасини ҳазм қила олмаслик ($p=0,001$), иштаҳанинг йўқолиши ($p=0,028$), кун давомида кўкрак қафасида дискомфорт ($p=0,014$) саломатликни руҳий таркибий қисмига тескари таъсир кўрсатди.


Шуни таъкидлаш лозимки тана вазни индекси $<30 \text{ кг/м}^2$ бўлган беморлар у $>30 \text{ кг/м}^2$ бўлганларга нисбатан руҳий саломатликни якуний балли 0,9 га юқорилиги қайд этилди. Демак, семизликни йўқлиги руҳий саломатлик ва жисмоний соғлик ҳолатига бевосита таъсир кўрсатади.

Шунингдек, кўп омилли регрессион таҳлилга бешта кам сонли Revicki D.A ва ҳаммуаллифлар томонидан гастропатия бўйича FDA қўлланмасида тавсия этилган белгилар йиғиндиси, хусусан кўнгил айниши, қайд қилиш, эрта тўйиниш прандиалдан кейинги тўлиш ва қориннинг пастки қисмида оғрик ҳам қўшилди. Улардан тўрттаси, яъни кўнгил айниши, қайд қилиш, эрта тўйиниш ва қориннинг юқори қисмида оғрик беморларнинг ҳаёт сифатлари бинобарин, жисмоний саломатликлари йиғиндисига сезиларли таъсир қилувчи прогностик белгилар ҳисобландилар. Шу ўринда кўп омилли чизикли усулдан фойдаланилганда ва жисмоний саломатликни жамлаб баҳолаганда овқатдан кейинги тўлишиш бетараф предиктор сифатида фойдаланилмаган.

Диссертациянинг бешинчи боби «**Диабетик гастропатияли беморларни даволашда итоприддан фойдаланиш натижаларини баҳолаш**» деб номланган. Унда муолажалардан 6 hafta ўтгач PGI-SYM сўровномаси ёрдамида беморларда гастроинтестинал симптомларни намоён бўлиши солиштирма таҳлил қилинган, шунингдек, уларда илгари фойдаланилган сўровномалардан фойдаланиб ҳаёт сифати ва руҳий эмоционал ҳолати ўрганилган. Қуйидаги ҳолатларда беморлар кузатувга қўшилмадилар: анамнезида ошқозон-ичак тизимида органик ўзгаришлар бўлганлар, ўт тош касаллиги аниқланганлар, қалқонсимон без касалликлари, моторикага таъсир қилувчи препаратлар қабул қилганлар.


Итоприд қабул қилган беморларнинг барчасида гастроинтерстициал белгиларнинг тарқалиши ўртача 77,3% ишончли камайганлиги ($p < 0,001$) қайд этилди ва бу унинг икки хил таъсир механизми билан боғлиқ. Итоприд қўшмасдан фақат стандарт терапия олган беморларда барча гастроинтерстициал белгиларни учраши нисбатан кам кузатилиб ўртача 40,9% ташкил этди ва бу унинг самарадорлиги пастлигини тасдиқлайди. Олинган натижалар қандли диабетни 2 турида стандарт муолажаларга итопридни қўшилиши диабетик гастропатияни статистик ишончли яхшиланишидан (PGI-SYM бирламчи кўрсаткичлари $24,7 \pm 2,8$ баллдан муолажадан кейин $5,8 \pm 0,6$, $p < 0,05$ баллга ижобий ўзгарди) ҳамда углевод алмашинувининг самарали гликемик назоратидан (бирламчи $hbA1$ $8,8 \pm 1,0$ баллда муолажадан кейин $6,9 \pm 0,6$, $p < 0,05$) далолат беради.

Олинган маълумотлар қандли диабетни 2 тури гастропатиялар билан асоратланганда итоприд мавжуд руҳий ўзгаришларга у қўлланмаган беморлар билан солиштирганда статистик ишончли ижобий таъсир кўрсатишини тасдиқлайди (1- расм)



1-расм. Кузатувдаги асосий (n=54) ва назорат гуруҳидаги (n=50) беморларда HADS сўровномаси ёрдамида депрессия ҳамда ваҳима симптомларини ўртача медианаларини учрашини солиштирма таҳлили.

Шунингдек, олинган натижалар (2-расм) асосида итоприд қабул қилган асосий гуруҳда уни қабул қилмаган назорат гуруҳига нисбатан SF-36 да уни физик ва руҳий таркибий қисмининг ўртача медианаларини асосий гуруҳда статистик ишончли ўсганини кўрсатди ($p < 0,001$).




2-расм. Кузатувдаги асосий (n=54) ва назорат гуруҳидаги (n=50) беморларда SF-36 ёрдамида ҳаёт сифатини физик ҳамда руҳий таркибий қисмларини ўртача медианаларини солиштирма таҳлили.

Шуни таъкидлаш лозимки, асосий гуруҳдаги итоприд қабул қилган беморларда асоратлар юзага келмади. Шундай қилиб, олинган натижалар диабетик гастропатия мавжуд беморларда стандарт муолажаларга итопридни кўшилиши прандиал ва ундан кейинги гликемик назоратни ва ошқозонни мотор-эвакуатор фаолиятини яхшилайти. Олинган натижаларга асланган ҳолда айтиш мумкинки, итоприд ошқозон-ичак тонуси ва моторикасини мувофиқлаштиришга ижобий таъсир кўрсатади. Бу уни қабул қилган беморларда гастроинтерстициал белгиларни статистик ишончли камайганлиги билан тасдиқланади. Яна шуни таъкидлаш керакки итоприд, ундан ташқари беморларни руҳий ҳолати ва ҳаёт сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади ҳамда салбий асоратлар чақирмайди. Бу препаратни қандли диабетни 2 тури гастропатия билан кечганда патогенетик препарат сифатида буюришга асос бўлади.

Олинган маълумотдар асосида яратилган алгоритм клиник амалиётда қандли диабет 2 туриди диабетик гастропатияни эрта даврларда аниқлаш ва комплекс даволаш имконини беради. Алгоритмдан фойдаланиш қандли диабетни 2 турини самарали ремиссиясига эришиш, қатор асоратларини олдини олиш ҳамда ҳаёт сифати ва руҳий ҳолатни яхшилашга имкон яратади (3-расм).

- Қорин бўшлиғи ультратовуш текшируви ва эзофагогастроскопия ёрдамида ошқозон-ичак тизимининг органик касалликларини (ошқозон яраси, ўн икки бармоқли ичак яраси, холедохолитиаз, ўт пуфагининг обструкцияси, ингичка ичак / йўғон ичак) истисно қилиш.
- Панкреатитни истисно қилиш
- Ошқозоннинг мотор функциясига таъсир қилувчи дори-дармонларни қабул қилишдан сақланиш
- Гипотирозидизмни истисно қилиш.

PAGY-SYM сўровномаси ёрдамида диабетик гастропатиянинг дастлабки даражасини баҳолаш



3-расм. Диабетик гастропатиянинг аниқлаш ва кечиш оғирлигини башоратлаш алгоритми

ХУЛОСАЛАР

1. Қандли диабетни 2 турида гастроинтерстициал белгилар 39% ҳолатларда учрайди ва диабетик гастропатияни намоён бўлиш даражаси қандли диабетни давомийлиги билан боғлиқ эмас.

2. Диабетик нефропатия мавжуд беморларда унинг белгилари яққоллигини кўрсатиш нисбати ROC (AUC) эгрилиги остидаги майдони C-реактив оксил даражаси бўйича 0,62 ни сўнги белгида 4,55 мг/л (сезувчанлик-0,6; хослик-0,63) ташкил этди.

3. Қандли диабет 2 турида қайд қилишга чақирик - ОШ 11,37 (4,36 – 29,63; 95% ДИ), одатий овқат луқмасини ҳазм қила олмаслик - ОШ 6,69 (1,63-27,4; 95% ДИ), тунда ётган ҳолатда кўкрак қафасида дискомфорт – ОШ 2,63 (1,4-4,9; 95 % ДИ), оғизда аччиқ ёки нордон таъм - ОШ 3,95 (2,02-17,52; 95% ДИ) каби белгилар беморда ошқозон-ичак тизимини бирламчи касалликлари бўлмаганда диабетик гастропатияни оғир ривожланишининг предикторлари ҳисобланади.

4. Ваҳима ва депрессия $\geq 8 \geq 11$ аксарият ҳолларда диабетик гастропатия семизлик билан кечган беморларда тана вазни индекси меъёрида бўлганларга нисбатан кўпроқ аниқланди (мос равишда $p=0,048$, $p=0,027$ ва $p=0,019$, $p=0,08$).

5. SF-36 v сўровномаси бўйича ҳаёт сифати ўрганилганда унинг жисмоний фаолият, ролли фаолият, саломатликнинг умумий ҳолати (оғрик интенсивлиги бундан мустасно) каби таркибий қисмлари диабетик гастропатия семизлик билан кечган беморларда у бўлмаганларга нисбатан ишонarli кўп кузатилди (мос равишда $p=0,007$, $p=0,015$, $p=0,046$).

6. Диабетик гастропатия гастроинтерстициал белгилар билан кечганда гипогликемик муолажаларга итоприд қўшилганда 1,5 йил ичида 77,3% ҳолларда ремиссияга эришиш мумкин. Буни PAGI-SYM кўрсаткичлари ишончли камайганлиги ($5,8 \pm 0,6$ га нисбатан $13,7 \pm 1,0$ $p < 0,05$) тасдиқлайди, самарали гликемик назорат ($6,9 \pm 0,4$ га қарши $7,9 \pm 0,5$ ммоль/л, $p < 0,05$) ва депрессия ҳамда ваҳима ($p < 0,01$) назорат гуруҳига нисбатан ишончли ўзгарди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ЭНДОКРИНОЛОГИИ**

ИНОЯТХОДЖАЕВА ИРОДАХОН ХАМИДУЛЛАЕВНА

**КЛИНИКО-ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ
ГАСТРОЭНТЕРОЛОГИЧЕСКОЙ ФОРМЫ АВТОНОМНОЙ
ДИАБЕТИЧЕСКОЙ НЕЙРОПАТИИ В УЗБЕКИСТАНЕ**

14.00.03 – Эндокринология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ - 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за B2020.2.PhD/Tib1139.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре эндокринологии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tma.uz) и информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Хайдарова Феруза Алимовна
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты:

Шагазатова Барно Хабибуллаевна
доктор медицинских наук

Хамрабаева Феруза Ибрагимовна
доктор медицинских наук

Ведущая организация:

Ташкентский педиатрический медицинский институт

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2023 г. в ____ часов на заседании Научного совета 04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована, № ____). (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фаробий, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2023 год.

(Протокол рассылки № ____ от « ____ » _____ 2023 года)

А.Г. Гадаев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.А. Набиева

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

З.Ю. Халимова

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. «Согласно многим эмпирическим доказательствам, указывающие на рост числа случаев сахарного диабета и ассоциированных с ним заболеваний и осложнений, сахарный диабет признан всемирной организацией здравоохранения (ВОЗ) в качестве беспрецедентной, серьезной медико-социальной и экономической проблемой мирового здравоохранения»¹. При этом СД 2 типа стал девятой ведущей причиной смертности в мире и непосредственной причиной 1,5 миллиона случаев смерти. СД 2 типа представляет угрозу развития микроангиопатии (нейропатия, нефропатия, ретинопатия) и тем самым является следственной причиной ухудшения качества и сокращения продолжительности жизни больных. Известно, что консервативная терапия способствует уменьшению количества осложнений СД 2 типа, однако редко приводит к нормализации гликемии. Следствием этого, на сегодняшний день, остается не решенный вопрос общественного здравоохранения, касательно сокращения случаев ухудшения качества жизни и уровня смертности во многих странах мира, вызванных диабетической автономной гастропатией, ассоциированным с СД 2 типа и нарушением толерантности к глюкозе натощак.

В мировой практике в настоящее время наиболее актуальными остаются вопросы касательно особенностей специфичного подхода по верификации гастроинтестинальных симптомов, предрасполагающих к развитию диабетической гастропатии (ДГ). Продолжаются многочисленные научные исследования по изучению прямо пропорционального влияния раннего выявления ДГ с включением его комплексного лечения при СД 2 типа на эффективный контроль гликемического профиля за счет активации инкретиновых механизмов и восстановления функции бета клеток, а также на качества жизни, в том числе психологическое, психическое, физическое состояние и пищевое поведение.

На современном этапе развития отечественного здравоохранения продолжается широкомасштабная работа по социальной защите населения и реформирования системы здравоохранения. В эндокринологии, в частности, в совершенствовании методов диагностики и, как консервативного, так и хирургического лечения пациентов с сахарным диабетом различной стадии достигнуты положительные результаты. Вместе с тем для предотвращения непосредственных гастроинтестинальных осложнений, в частности диабетической нейропатии и в последующем диабетического автономной гастропатии, а также совершенствования протокола по своевременной диагностики и профилактических мероприятий данного осложнения у данной категории пациентов требуются научно-обоснованные исследования. «В стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017 - 2021 годы поставлены задачи по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи уязвимым

¹ Lin X., Xu Y., Pan X., et al. Global, regional, and national burden and trend of diabetes in 195 countries and territories: an analysis from 1990 to 2025. Sci Rep. 2020; 10(1): 14790.

категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности»². Реализация данных задач, в том числе улучшение результатов консервативного лечения пациентов с СД 2 типа различной стадии в клинической практике с точки зрения понимания патогенетического механизма развития диабетической гастропатии с целью проведения своевременной диагностики и адекватной консервативной терапии, является одним из актуальных направлений.

